



Вазирликнинг 2019 йил 30 декабрдаги

1201-сонли бўйруғига илова

## Олий ва профессионал таълим муассасалари ходимлари учун намунавий Касб одобномаси

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу “Олий ва профессионал таълим муассасалари ходимлари учун намунавий Касб одобномаси” (кейинги ўриндарда “Касб одобномаси” деб юритилади) Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Узбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-5729-сон фармони ҳамда Олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йул ҳаритаси”да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, касб одобномасининг умумий тамойиллари ва хизматдаги хулқ-атворнинг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Мазкур Касб одобномаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи олий ва профессионал таълим муассасалари (кейинги ўринларда “Таълим муассасалари” деб юритилади) раҳбарлари, профессор-үқитувчилари ҳамда барча ходимлари (кейинги ўринларда “Ходимлар” деб юритилади) учун татбиқ этилади. Бошқа вазирлик ва идоралар тизимидағи олий ва профессионал таълим муассасалари ходимлари учун тавсиявий характерга эга ҳисобланади.

3. Касб одобномаси таълим муассасалари ходимларининг ўзаро муносабатларидағи одоб-ахлоқ тамойиллари, риоя этишлари шарт бўлган хулқ-атвор қоидалари ҳамда мажбуриятларни белгилаб беради.

4. Ишга қабул қилинаётган ҳар бир ходим Касб одобномаси билан танишиб чиқиши ҳамда унга риоя қилишини ўз зиммасига олган ҳолда имзо қўйиши шарт.

5. Таълим муассасалари ходимлари жамоат, давлат, нодавлат ташкилотлари, таълим ва илмий муассасалар, тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда ўкувчи ва талабаларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатларда Касб одобномасида назарда тутилган кўрсатмаларга риоя этилишлари лозим.

### II. Мақсад ва вазифалар

6. Касб одобномасининг мақсади таълим муассасаларида соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик мухитни шакллантириш, унинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш, юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали ва профессионал кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, таълим муассасасининг жамиятдаги ҳамда таълим тизимидағи нуфузини янада оширишdir.

7. Касб одобномасининг асосий вазифалари:

юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, ташаббускор, замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашда таълим муассасалари ходимларининг масъулиятини ошириш;

таълим муассасалари ходимлари орасида коррупцияга қарши курашишга, одоб-ахлокни бузишга қаратилган ҳар кандай хатти-харакатларнинг олдини олиш ва бошқа турли ҳалокатли таҳдидлардан ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

таълим муассасалари ходимларининг маънавий иммунитетини шакллантириш, сақлаш, ҳимоя қилиш ва бошқалар.

### **III. Ходимларнинг касб одобига оид умумий қоидалари**

8. Таълим муассасаларида ҳамжиҳатлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, бир-бирига ғамхўрлик қилиш ҳамда аҳил-иноқлик ходимларнинг ўзаро муносабатларидаги муҳим шартлардир.

9. Таълим муассасаларида ўзаро муносабатларнинг асосий тамойили – бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини паймол қиласлиги лозим, жумладан, ходимнинг сўз эркинлиги унга бировга тухмат қилиш, уни ҳақорат қилиш, ўзаро муносабатларда умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи беҳаё сўзлардан фойдаланиш таъкиқланади.

10. Ҳалқимизнинг маънавий меросини асраб авайлаш мақсадида ходимлар бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик қилиши, беҳаё сўзлар ишлатиши қатъий таъкиқланади ҳамда олий ва профессионал таълим муассасаларида ўзаро “Сиз” деб мурожаат қилиш одат тусига кириши лозим.

11. Таълим муассасалари ходимлари турли тадбирларда (мажлислар, тантанали йиғилишлар, амалий учрашувлар, байрамлар ва ҳ.к) сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, майший тинчликка риоя этиши шарт.

12. Биноларга кириш жойларида тирбандлик юзага келганда, эркаклар аёлларни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

13. Бинога кираётган ҳар бир ходим биноларга кириб-чиқиши назорат қилиши учун тайинланган масъул шахс ёки навбатчига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни очиқ ҳолда кўрсатиши шарт.

14. Ходимлар таълим муассасаси худудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари ва бир-бирига дуч келганда албатта саломлашишлари керак.

15. Миллий ва умумбашарий қадриятларга хос бўлмаган ёки таълим муассасасининг ички муаммоларига тааллуқли масалаларни интернет тармоғига жойлаштириш ёки ундан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш таъкиқланади.

16. Компьютерларда таълим муассасасига тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний диний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш қатъиян ман этилади.

17. Ўқув машғулотларига, ишга ва ходимларнинг осойишталигига ҳалақит берадиган ҳатти-ҳаракатлар (радиоприёмник, телевизор, магнитофон ва бошқа овоз кучайтириш воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш) содир этиш таъкиқланади.

18. Таълим муассасалари ходимлари дарс машғулотлари ва ишга белгиланган кун тартибига кўра ўз вақтида келишлари хамда кетишлари шарт.

19. Таълим муассасасида ҳар қандай ҳуқуқбузарлик содир этиш таъкиқланади, шу жумладан, тухмат қилиш, ҳакорат қилиш, ходимга маънавий ёки моддий зарап етказиши мумкин бўлган маълумотни тарқатиш, тан жароҳати етказиши, фуқаролик муомаласидан чиқарилган воситаларга оид муносабатларга киришиш (гиёҳванд моддалар, психотропик воситалар ва ҳоказо), ичкилиkbозлиқ, кашандалик, майший тинчликка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва тавакалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйнаш қатъиян ман этилади.

#### **IV. Ходимларнинг хизматдаги хулқ-атворининг асосий тамойиллари ва қоидалари**

20. Ходимлар ўз касбий фаолиятини қуидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;
- давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;
- адолатлик, ҳалоллик ва холислик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

21. Ходимлар қуидагиларга мажбур:

- хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари на талабларига қатъий риоя этиш;
- ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажариш;
- юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида сифатли бажариш;
- ўз фаолиятини қонун хужжатларида ва ички локал хужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурухлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-харакатларига барҳам бериш;

- норматив-хуқуқий хужжат ва идоравий хужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

- ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

- Узбекистон Республикаси ва бошқа давлат халқларининг урфодатлари ва анъаналарни хурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро тотувликка кўмаклашиш;

- ўзларининг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрусига ёки таълим муассасасининг нуфузига заарар етказишга кодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

- хизмат мавқеидан таълим муассасасининг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик.

22. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек, шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар ходимларнинг қонун хужжатлари талабларини ва касб одобномаси қоидаларини бузишига асос бўла олмайди.

23. Агар қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ходимларга ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш таъқиқланади.

24. Ходимлар коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт. Ходилар ўз раҳбарларини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Таълим муассасаси раҳбарлари шахслар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек, бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

25. Ходимлар касбий фаолияти давомида ўзлариға маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

26. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, таълим муассасасида ёхуд унинг таркибий бўлинмасида маънавий-психологик мухит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у ўзига бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқадиган тошлириқларни бажаришини талаб қиласлиги, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. Гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишлари, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишида олдини олиши лозим.

Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувиининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариш, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларнинг хизматдаги хулқ-атвор тамойиллари ва қоидаларини бузаётган хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўймаслиги учун жавоб беради.

27. Ходимлар ўзларининг хизмат вазифаларига бўлган муносабати билан жамоада ишчанлик, ўзаро хайриҳолик ва амалий ҳамкорлик мухитини қарор топтиришга интилишлари керак.

Ходимлар хушмуоамала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкаслари билан ўзаро муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Ходимлар ўзига бўйсунувчиларга балки ўз ҳамкаслари, раҳбарлари ва фуқароларга нисбатан қўполлик қиласлиги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шартлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ходимларнинг ташқи кўриниши (кийиниш маданиятига риоя қилиши) фуқароларнинг таълим муассасасига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услугига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

28. Ходимлар хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари, гайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл

күймаслиги керак.

## V. Манфаатлар тұқнашуви

29. Ходимлар үз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тұқнашувига сабаб бұладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йүл құймасликлари керак.

Манфаатлар тұқнашуви ходимларнинг шахсий манфаатлари уларни үз хизмат вазифаларини холисона ва бегараз бажаришга таъсир күрсатадиган ёки таъсир күрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Ходимларнинг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан үзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилиармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларига эга бўлишини үз ичига олади.

Манфаатлар тұқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар үз раҳбарини дархол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тұқнашуви мавжудлиги тұғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича үз вақтида чоралар кўриши шарт.

30. Ходимлар ўзларининг хизмат вазифаларини талаб даражасида бажаришга ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги керак.

Ходимларнинг иш юзасидан юқори ташкилотларга бориши таълим муассасаси раҳбариютини ҳабардор қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ходимлар ҳар қандай ҳолатларда ҳам үз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

31. Ходимлар лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир күрсатадиган ёки таъсир күрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тұғрисида маълум қилиши шарт.

32. Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун таъқиқланади.

## VI. Таълим муассасасида кийиниш тартиби ва маданияти

33. Эркак ходимларнинг ташқи қиёфаси озода, покиза, сочи тартибга солинган ва соқоли олинган бўлиши лозим.

34. Ходимлар хизмат хоналарида устки кийимда (плаш, пальто, куртка кабилар) юришлари мумкин эмас.

35. Ходимлар таълим муассасасига диний ибодат либосида, спорт кийими ва пойафзалида келиши, уларнинг одамлар диққатини тортадиган, хусусан, танани шаффоф күрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, тиззадан юқори қисмлари очик қоладиган ҳамда хаддан зиёд тор кийимда, шунингдек,

наушниклар, металл занжирлар ва бошқа тақинчоқлар, пирсингда, соқолини ўстирган ҳолда, пайпоқсиз ёки оёқ күринадиган калта пайпоқ кийиши, рўмolinи жағидан боғлаган тарзда таълим муассасасига келиши ва шу ҳолатда таълим муассасасида юриши мумкин эмас.

36. Аёл ходимларга ёрқин, меъёридан ортиқ пардоз (макияж) қилиш тавсия этилмайди.

## VII. Ходимларнинг ўзаро муносабатлари

37. Ходимларнинг ўзаро муносабатларида – ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

38. Ходимлар муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интелектуал мулкини ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

## VIII. Ходимларнинг Касб одобномасига оид мажбуриятлари

39. Ходимларнинг Касб одобномасига оид мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

- Касб одобномасига риоя қилишда ўқувчи ва талабаларга намуна бўлиш;
- таълим муассасаси манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийиш;
- бирор-бир нохуш воқеа ёки ходиса рўй берса, зудлик билан у ҳақида маъмуриятга хабар бериш;
- таълим муассасаси шаъни ва нуфузига доф туширадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш;
- таълим муассасаси тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва обрусига зиён етказиш учун ёки ўз манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;
- дарс жараёнида ўқувчи ва талабаларга ўз касбига оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимизни тарғиб қилиш;
- ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкилиkbозлиқ ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ этиб бориш;
- таълим олувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқишига кўмаклашиш.

## **IX. Касб одобномасида ман этиладиган ҳолатлар**

40. Куйидагилар Касб одобномасида ман этиладиган ҳолатлар ҳисобланади:

- ходимлар, ўқувчи ва талабаларнинг шахсиятини ва қадр-қимматини камситиш, ўзгаларнинг шахсий ва оиласий муаммоларини муҳокама қилиш;
- ходимлар, ўқувчи ва талабаларнинг устидан турли иғво, ғийбат, бўхтонлар уюштириш;
- ўқувчилар ва талабалар билан ўз ҳамкарабаларининг касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилиш;
- ўқувчилар ва талабаларни асоссиз ўқув машғулотларидан чиқариб юбориш;
- ўқув машғулотларида тижорат рекламаси ўтказиш;
- ўқув машғулотларида диний ташвиқот олиб бориш;
- ўқув машғулотларига масти, соч-соқол олинмаган ва кийиниш тартибига риоя қилмаган ҳолда келиш;
- биноларда спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш кабилар қатъяян ман этилади.

## **X. Маъмурият ва ходимлар ўртасидаги Касб одобномасига оид муносабатлар**

41. Маъмурият ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро хурмат, аҳиллик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, ғамхўрлик ва адолат тамойилларига асосланади.

42. Маъмурият ва ходимларнинг иш фаолиятига доир масалалар бўйича ҳамкорлик қилишида бир тарафнинг бошқа тарафга тазийқ ўтказишига ёки унга харакат қилишига, шунингдек адолат тамойилларига ва таълим муассасаси манфаатларига зид бўлган қарорлар тайёрланишига йўл қўймайди.

43. Лавозим даражалари teng бўлган ходимлар ўртасидаги муаммоларни ишчи тартибда ҳал этиш тавсия этилади. Лавозим даражалари teng бўлган ходимларнинг иш жараёнидаги турли муаммоларни ўз ваколатлари доирасида, маъмуриятни жалб этмаган ҳолда ҳал этишлари маъқулланади.

44. Жамоада бирор бир масала билан маъмуриятга мурожаат қилиш белгиланган тартиб асосида ташкил этилади.

45. Ходимнинг таълим муассасасида маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

46. Маъмурият ходимларнинг касбий, интелектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, интернет тармоғидан, кутубхона фонди ва ахборот-ресурсларидан эркин фойдаланиш,

шунингдек, ҳордик чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиникишлари учун барча имтиёзларни яратиб беради.

## **XI. Касб одобномасини бузганлик учун жавобгарлик**

47. Ходимлар томонидан Касб одобномасининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин. Ходимлар томонидан ушбу Касб одобномасида назарда тутилган қоидалар бузилган тақдирда уларга нисбатан ички тартиб қоидаларида келтирилган ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўрилади.

48. Ходимнинг хулқ-атвори устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида мазкур қоидаларга риоя этилмаганлиги ҳолатлари таълим муассасасидаги касаба уюшма қўмитаси, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар кенгаши, мураббийлар кенгаши ёки жамоатчилик кенгашида муҳокама қилиш амалиёти ҳам жорий этилиши мумкин.

49. Ходимлар томонидан Касб одобномасига риоя этилиши танлов, аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

50. Ходимлар ўzlари йўл қўйган қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, таълим муассасасининг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш хукуқига эга.

## **XII. Якуний қоидалар**

51. Ушбу Касб одобномаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг таклифлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида оширилади.

52. Мазкур намунавий Касб одобномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи таълим муассасалари ўзининг ички Касб одобномасини ишлаб чиқади.

53. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи бошқа ташкилотлар Ушбу Касб одобномаси асосида ўзининг ички Касб одобномасини ишлаб чиқиши мумкин.